



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан 30 октябрь куни Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтадиган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан коронавирус пандемияси оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш ва халқаро шериклини кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий сиёсатнинг энг долзарб масалалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада

ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтади. Форум ишида Ўзбекистон ва Жанубий Корея етакчилари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Мўғулистон президентлари ва бошқалар қатнашади.

ЎЗА

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ ЭНГ ХАВФСИЗ ТЎҚҚИЗ МАМЛАКАТИ САФИДАН ЎРИН ОЛДИ

Бутунжаҳон қонун ва тартиб индексида кўра, Ўзбекистон дунёда энг хавфсиз давлатлар орасида кучли ўнликка кирди. Мамлакат 100 дан 92 балл тўплади.

Ушбу таҳлил нуфузли Gallup's Америка жамоатчилик фикрини ўрганиш институти томонидан амалга оширилган. Индексга кўра, энг хавфсиз деб топилган давлатлар қаторидан

Норвегия, Австрия, Швейцария ва БАА ҳам ўрин олган. Бу кўрсаткичлар сайёҳлик имкониятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Рейтинг натижалари турли мамлакатлар аҳолиси

ўртасида ўтказилган сўровнома асосида тузилган. Берилган саволлар рўйхатида ҳуқуқ-тартибот органларига ишонч, кечки соатларда кўчаларда хавфсиз юриш ва бошқалар киритилди.

Нуқтаи назар

ҲАР БИР ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНА БИЛСАК,



дастурхонимиз ва бозорларимиз янада тўкин, нарх-наво арзонлашиб бораверади

3-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЛМ-ФАННИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ҳамда Концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутди:

а) илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида:

илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш;

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

б) илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида:

2025 йилга қадар илм-фанга йўналтирилган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш;

2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш;

инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш;

в) юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида:

илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш;

2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонига юқори малакали

илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш;

г) илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида:

2025 йилга қадар илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини 3,5 бараварга, 2030 йилгача эса 9 бараварга ошириш;

2021 йилда "Яшнобод" инновацион технопаркиннинг резидентлари сонини 60 тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш, шунингдек, 720 дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш;

7 та замонавий лаборатория мажмуаларини ташкил этиш, уларни GLP ва GMP ҳажон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозлаш;

д) илм-фан тараққиётига қўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида:

миллий илмий портални яратиш; олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

илмий ташкилотлар раҳбарлари лавозимига устувор равишда илм-фан тизимини бошқариш қўниммасига ва иқтисодий билимга эга бўлган ёш мутахассислар тайинланади;

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПЕКИНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕК ЭКСПОРТЧИЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТРОН ПОРТАЛ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси "uzchinaexport.com" — биринчи ташқи иқтисодий фаолият электрон порталини ишга туширди.

Икки мамлакат бизнес субъектларига қўмаклашиш йўли билан савдо, инвестициялар ва сайёҳлик соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, Хитойга экспортни рағбатлантириш учун максимал даражада қўлай муҳитни шакллантириш ушбу

порталнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Унга Ўзбекистоннинг экспорт маҳсулотлари каталоги жойлаштирилган бўлиб, Хитой ишбилармон доиралари вакиллари учун мўлжалланган. Мазкур тўпلامда озиқ-овқат, қандолатчилик,

мева-сабзавот, тўқимачилик, тери-чарм, қурилиш материаллари, нефть, кимё маҳсулотлари, металлургия, электр техникаси ва миллий хунармандчилик буюмларига доир барча зарур маълумотлар ўз ифодасини топган.

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 октябрь куни давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Шу боис, бўш ер ва иншоотларни хатловдан ўтказиб, корхоналар эҳтиёжидан ортигини аукционга чиқариш зарурлиги айtilди. Аввал қабул қилинган қарорлар доирасидаги ҳамда сотиш ваколати вилоят ҳокимларига берилган давлат объектларини хусусийлаштириб, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА БЕРИЛДИ.

Мамлакатимизда ЙИРИК ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. Уларни давлат лойиҳа институтлари билан кооперация орқали боғлаб, лойиҳалар сифатини ошириш, бошқарувни яхшилаш мўлжалланмоқда.

62 та йирик корхона олдин инвестициявий жозибадорлигини ошириб, кейин хусусийлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

“Хоразмсувқурилиш” корхонаси сўнгги 2 йилда фойда олмаган. Ваҳоланки, Янгиерик туманида ушбу корхонага тегишли 1 гектардан зиёд ер

майdonи ва 3 МИНГ КВАДРАТ МЕТРДАН ОРТИҚ ДАРОМАД КЕЛТИРМАЙДИГАН БИНОЛАРИ МАВЖУД.

Йиғилишда бозорлар билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

500 дан зиёд бозор ва савдо мажмуаларидаги давлат иштирокини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Ҳозирги кунда уларнинг 23 таси ЗАРАР БИЛАН ИШЛАЯПТИ, 210 таси ЭСА ПАСТ РЕНТАБЕЛЛИ.

Олий Мажлис палаталарига Президент фармони моҳиятини кенг тарғиб қилиб, ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲАЛОЛ ВА ОЧИҚ-ОШКОРА ЎТИШИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ. Шунингдек, хусусийлаштириш ҳамда давлат мулкни бошқаришга оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Аҳоли ва тадбиркорларга батафсил маълумот берадиган хусусийлаштириш маслаҳат клиникалари ҳамда колл-марказ ташкил этиш, методик қўлланма тайёрлаб, жойларга етказиш муҳимлиги айtilди. Шунингдек, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ҲАМ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИБ БОРИЛАДИ.

Тадбиркорларга таклиф этиладиган 479 та корхонанинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш, уларни соддалаштирилган тартибда савдога чиқариш кераклиги таъкидланди.

Қарши шаҳридаги “Техник таъмирлаш-бутлаш” корхонасининг 2 ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИ ВА 6,5 МИНГ КВАДРАТ МЕТРЛИК БИНОЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ. Аини пайтда, бу ерда юзлаб тадбиркор ўз бизнеси учун ер ажратиш тўғрисида мурожаат қилган. Бундай мисолларни ҳар бир вилоятда кўплаб топиш мумкин.

Мутасаддиларга бу каби корхоналарни хусусийлаштиришдан аввал “ДИАГНОСТИКА” ҚИЛИШ, АУДИТДАН ЎТКАЗИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБИНИ ТЎҒРИЛАШ БЎЙИЧА МАНЗИЛЛИ ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ИЛМ-ФАННИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2021 йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Давлат бошқаруви академиясида** ўқитиш ва мунтазам малакасини ошириб бориш тизими жорий қилинади;

2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир илмий ташкилотда унинг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида **илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади**, бу лавозимга таниқли илм-фан намояндalари ва нуфузли олимлардан бири тайинланади ҳамда маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқаради;

илмий йўналишларни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда илмий мактаблар, фан намояндalарни ва етакчи олимларнинг соҳадаги маъсулиятини ошириш мақсадида ҳар бир фан йўналишлари бўйича **фан жамиятлари ташкил қилинади**;

2021 йилда халқро мустақил эксперт компанияларини жалб этган ҳолда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблаглари ҳисобидан **барча давлат илмий ташкилотларининг илмий-инновацион фаолияти аудитдан ўтказилади**;

барча давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмаларининг республика даражасидаги раҳбарлари (биринчи ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзидa **илм-фан ва инновацион фаолиятни** ривожлантиришга маъсул ҳисобланади ҳамда бу борада тизимдаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

4. Худудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб **“Академик ҳаракатчанлик”** дастури жорий қилинсин.

Белгилab қўйилсинки, “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида:

илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларнинг илмий ғояларини рағбатлантириш, уларнинг хорижий университетлар ва илмий марказларга қисқа муددатли стажировкаларини ташкил этиш учун **Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблаглари ҳисобидан грантлар ажратилади;

мазкур ёшларга илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмалардаги **замонавий илмий асбоб-ускуналардан** бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар **“Академик ҳаракатчанлик”** дастурини амалга ошириш бўйича Ҳўкумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қўйидагилар:

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021—2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрлари (кейинги ўринларда — Мақсадли параметрлар) 3-иловага мувофиқ;

Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021-2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чора-

тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар режаси) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил 1 январдан бошлаб **Илмий даражали кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими** жорий қилинсин.

Белгилансинки, Илмий даражали кадрларни тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими орқали қўйидаги ишлар тўлиқ амалга оширилади:

стажёр-тадқиқотчи, изланувчи, илмий раҳбар ва консультантларга доир маълумотлар банкни шакллантириш, стажёр-тадқиқотчи ва изланувчиларнинг яқка тартибдаги режасидаги ишлар бажарилишини кайд этиш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларининг самарадорлиги мониторингини олиб бориш, тегишли ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантурада ўқиш учун қабул квоталари бўйича буюртманомa шакллантириш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларида ўқиш учун талабгорларни рўйхатга олиш.

Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур электрон тизимнинг узлуксиз ишлаши, унга техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имониятларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириб босин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

олий таълимдан кейинги таълимнинг **бир поғонали тизими** жорий қилинган хорижий давлатларнинг рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланadиган халқро рейтингларда **биринчи 300 та ўриндан** бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc)** илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида **фан доктори (DSc) сифатида** тўғридан-тўғри **тан олинади ва нострификация** қилинади (эквивалентлиги кайд этилади);

халқро рейтингларда биринчи **300 та** ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **профессор, доцент, катта илмий ходим ва уларга тенглаштирилган бошқа илмий унвонлар** тўғрисидаги ҳужжатлар олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашларининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикасида қўшимча экспертиза ўтказмасдан ва бошқа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади.

8. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** қўйидагиларни назарда tutувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожланишдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

илмий фаолиятга оид давлат **дастурларини шакллантиришнинг** янги тартибини жорий қилиш;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси ва Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси **маблагларидан самарали фойдаланиш**;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг амалдаги вазифа ва функцияларини қайта

қўриб чиқиб, унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш.

9. Жаҳон банки томонидан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида республикамызда инновацион тизимни ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги индикаторларни яхшилашга қўмаклашиш мақсадида **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридaги имтиёзли кредит маблагларини ажратиш тўғрисидаги **“Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш”** лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар:

Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш учун **Халқро эксперт кенгашини** (International Expert Board) ташкил этиш;

Жаҳон банки талабларига асосан Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) амалга оширишга қўмаклашиш, молиявий назорат ва ҳисобот тизимини юритиш мақсадида **лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш** чораларини кўрсин;

2021 йилда **“Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш”** лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банкининг қўшимча **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридaги имтиёзли кредит маблагларини жалб этиш бўйича таклиф киритсин.

10. Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар Мақсадли параметрларни амалга ошириш доирасидаги тегишли сарф-харажатлар учун Давлат бюджети, тегишли маҳаллий бюджетлар параметрлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар доирасида маблаглар ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ–4702-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига 2021 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳудудда маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган **фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар сони, бир миллион аҳоли сонига тўғри келадиган илмий тадқиқотчилар ва олимлар сони, тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сони ва ҳажми** индикаторлари киритилсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар 2019 йилда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида яқунланган илмий лойиҳалар натижадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида яратилган **муҳим илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни бир неча бор кўпайтириш бўйича ишларни** ташкил этиш дастурини қабул қилсин.

13. Масъул ижрочилар — тизимида илмий тадқиқотлар мавжуд бўлган давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари:

бир ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ва тадбирларни амалга оширишнинг **2020-2021 йиллар учун ҳамда ҳар йил якунида — келгуси йил учун** чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 октябрь

ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар чора-тадбирлар режалари ва “Йўл харитаси”нинг ижроси бўйича маълумотларнинг тегишли равишда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг **10-санасига қадар** мазкур Фармоннинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

14. Қўйидагилар:

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши (А.Н.Арипов) зиммасига — ушбу Фармоннинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, Концепция ҳамда “Йўл харитаси”ни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, масъул раҳбарларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини кенгаш мажлисларида **бир йилда камида икки марта ба эшитиш** ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

инновацион ривожланиш вазир (И.Ю.Абдурахмонов) зиммасига — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида илмий махсусотлар ҳажми ва инновацион махсусотлар турларини кенгайтириш фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштириб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига — Концепция ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни шакллантириш асосида тегишли ҳудуддаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

Фанлар академияси президенти (Б.С.Юлдашев) зиммасига — Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолиятини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш, юқори самарадор илмий ишланмалар ва технологияларнинг сони ва жорий этиш қўламини кенгайтириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини илмий жамоатчилик ва аҳоли орасида кенг ёритиш бўйича **2020 йил якунига қадар** чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этиш мақсадида тегишли давлат органлари ва муассасаларининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига бириктирилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Сенатор минбари

ТАДБИРКОРЛИК
ВА БАНДЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ —
КАМБАҒАЛЛИКНИ
КАМАЙТИРИШ УЧУН
АСОСИЙ ЕЧИМ



Улугбек ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси, тадбиркор

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилаётгани айна ҳақиқат.

Маълумотларга қўра, жаҳонда 1,5 миллиард инсон қашшоқликда яшамоқда. 162 миллион бола очликдан азоб чекмоқда. Демак, инсоният, жумладан, юрдошларимиз олдида ҳам жуда муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Бу қашшоқлиқни, камбағалликни тугатиш, унинг мақбул ва муқобил йўлларини ҳаётга татбиқ этиш. Ҳозирча бунда энг тўғри йўл камбағал аҳолининг ишсиз қисмини тадбиркорлик ва бошқа иш ўринлари билан таъминлаш, деб топилаган.

Ўзбекистонда ҳам бу борада катта ҳажмли ишлар бошлаб буюрилган. Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида ғоят ҳаётий, айнаи дамада узоқ йиллар сукут сақланган, ечимини кутиб турган масала — камбағалликни камайтириш ҳақида сўз борар экан, жумладан, бундай дейилади: “Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демокдир”.

Бу таклифни барча юрдошларимиз қатори биз каби тадбиркорлар ҳам қўллаб-қувватлади. Кейинги йилларда мамлакатимизда янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш

учун иқтисодиёти барқарор корхоналар керак бўлади.

Навоий шаҳридаги “Zarafshan Golden Group” компанияси қурилиш, транспорт, меҳмонхона ва ресторан хизматлари, тўқимачилик, металл конструкциялар, мебель, темир-бетон, газобетон, гишт, оҳак, туз каби махсусотларини ишлаб чиқариш, иссиқхона ва богдорчилик йўналишларида самарали фаолият кўрсатиб келяпти. Кейинги пайтда Россия, Хитой, Испания, Финляндия, Туркия, Қозғоғистон каби давлатларнинг етакчи компаниялари билан яқин ҳамкорлик қилиб, ишлаб чиқаришга сўнгги технологияларни олиб кирмоқда.

Корхонамызда ишлаб чиқарилган қурилиш махсусотлари маҳаллий бозор талабларини қондириш билан бирга, чет элга ҳам экспорт қилинади. Келгусида замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда қурилиш махсусотлари ишлаб чиқариш ҳажми камида икки баробар оширилади.

Шунингдек, жойлардаги учрашувларда аҳоли таклифларини инобатга олиб, Қизилтепа туманида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида “Гардиён” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидa замонавий тўқимачилик корхонаси бунёд этишга киришилди. Бугунги кунда қурилиш ишлари якунига етиб, дастгоҳ ва ускуналар олиб келинмоқда. Йил якунида фойдаланишга топширилладиган корхона қарийб 600 хотин-қиз бандлиги таъминланиши билан бирга, туман иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Халқимиз деҳқончиликка илмий асосда ёндашиб, бозор талаблари ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиқиб, махсусот еттиштиришнинг инновацион усулларини жорий этмоқда. Гидропоника усулидаги иссиқхоналар, интенсив боғлар яратиш, мева-сабзавотларни сақлаш учун замонавий совитиш тизимида эга омборлар қуриш борасида илгор технологиялар татбиқ қилиняпти.

Бизнинг компаниямызда ҳам бу борада катта тажриба тулланган. Шу тажриба асосида Карманада 2,5 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар ташкил этилди. Жорий йилда Туркиядан келтирилган замонавий, энергетехамкор технологиялар асосида қўшимча 11 гектар майдонда қурилиш-монтаж ишлари якунига етиб бормоқда. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилиши ва даромадини ошириб бориши учун аҳолига 30 сотихлик иссиқхоналар технологиясини таклиф этяпмиз. Ушбу замонавий агромажмуадан унумли фойдаланилса, йилгига 30-40 миллион сўмгача даромад олиш мумкин.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПЕКИНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ
ТОМОНИДАН ЎЗБЕК ЭКСПОРТЧИЛАРИ УЧУН
ЭЛЕКТРОН ПОРТАЛ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Хорижлик хариддорлар махсусот турлари, уларнинг техник кўрсаткичлари ва ўзига хос жиҳатлари билан танишиши ҳамда ўзларини қизиқтирган товарларни танлаб олиши мумкин. Веб-саҳифа фойдаланувчиларига қулай бўлиши учун барча ахборотлар ўзбек, хитой, инглиз ва рус тилларида тақдим этилган.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар учун мўлжалланган бўлимда харидорларнинг тижоратга доир сўровлари, таклифлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг электрон каталоглари сингари фойдали ахборотлар, шунингдек, ХХР ва Ўзбекистонда ҳар йили ўтказиладиган кўргазмалар тақвими, маркетингга оид ва бошқа қўллаб маълумотлар ўз аксини топади.

Бундан ташқари, Хитой бозорларидаги тамойиллар, Хитойда товарлар сифатига қўйиладиган талаблар, озиқ-овқат ва бошқа махсусотларни мамлакатга олиб кириш тартиботлари тўғрисидаги маълумотлар

ҳам портал фойдаланувчиларининг эътиборига ҳавола қилинган. Улар, шунингдек, Хитойда бизнес юритиш, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги махсусотларини экспорт қилишга ижозат олиш тартиби бўйича маълумотномаларни топиши мумкин. Бундан ташқари, порталда юридик ҳўжатлар намуналари, фойдали сайтлар ва бошқа масалаларга доир жуда кўп зарур ахборотлар жамланган.

Порталда энди иш бошлаётган экспортчилар учун ўз махсусотининг Хитойга экспортини ташкил этишда босқичма-босқич, яъни бозорни тадқиқ этишдан тортиб то товарни жўнатишга қадар бўлган тавсиялар ҳам мавжуд. Веб-саҳифада саноатнинг ҳар бир тармоғи бўйича фаолият кўрсатадиган савдо уюшмалари, корпорациялар, импортчилар ва трейдинг компаниялари рўйхати мунтазам равишда тўлдириб борилади.

Порталда ўзбек компаниялари ўз махсусотлари ва хизматларини жойлаштириши ва Хитойда ўз истеъмолчиларини топиши мумкин. Бунинг учун

улар элчихонанинг электрон почтасига (uzchinaexport@mfa.uz) ўз компанияси ҳақидаги қисқача маълумот, махсусотлар каталоги, сертификатлари, ҳар бир махсусот тавсифи, тижорат таклифлари, суратлар, видеороликлар ва бошқа материалларни юбориши зарур. Ўқорида қайд этилган ҳўжатлар ўзбек, хитой, инглиз ва рус тилларида бўлиши лозим. Таклиф этиладиган махсусот сифати Хитойда қабул қилинган талабларга жавоб бериши керак.


Шунингдек, порталда хитойлик инвесторлар учун Ўзбекистоннинг сармоявий муҳити ва салоҳияти ҳамда истиқболли лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдим этилган. “Сайёҳлик” бўлимида эса мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидаги диққатга сазовор тарихий-маданий масканлар ҳақидаги маълумотлар жой олган.

Шўҳрат УМИРОВ,
“Дунё” АА мухбири

Пекин

САИД АҲМАДНИНГ САЙЛАНМА
ҲИКОЯЛАРИ ТЎПЛАМИ
ТУРК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда давлат тилини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб этишга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўзбек тилининг хориждаги ихлосмандлари томонидан мамнуният билан қарши олинди. Хусусан, қардош Туркияда ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортди ва турк тилшуносу ва адабиётшуносларининг ўзбек адабиётига эътибори сезиларли кучайди.



томонидан муносиб баҳоланди. Уларнинг фикрича, Саид Аҳмад қаламига мансуб ҳикоялар халқчиллиги ва оддий одамлар учун

ҳам тушунарли тилда ёзилгани билан эътиборга молик. Туркия жамоатчилиги вакиллари ушбу тўплам туркиялик китобхонлар қалбидан муносиб жой олишига ишонч билдирди.

Туркияда ўзбек тили ва адабиётига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, турк таржоманларини ўзбек адабиёти намояндalарни асарларини таржима қилишга алоҳида эътибор қаратишга ундамоқда.

Яқин истиқболда бу йўналишда яна қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

“Дунё” АА,

Анкара

Нуқтаи назар

ҲАР БИР ИМКОНияТдан Фойдалана билсак, дастурхонимиз ва бозорларимиз янада тўкин, нарх-наво арзонлашиб бораверади

Одилжон ИБРОҲИМОВ,
Фарғона политехника институти профессори,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори

Президентимиз ҳудудларга ташрифлари чоғида иқтисодий томондан фойда бермайдиган, даромад келтирмайдиган экин тури ва майдонларини қайтадан қўриб чиқиш, шўрланган, қўмлоқ, дашт ерларда ўша шароитга чидамли экинларни экиш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш бўйича зарур кўрсатмаларни бериб келади.



Қайд этиш жоиз, бу каби таклиф-таъсиялар ижроси, яратилаётган молиявий-иқтисодий имкониятлар жойларда ўз самарасини берапти. Масалан, қўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш дастурига кўра, жорий йилда 10 мингдан ортиқ, яъни 84 фоиз фермер ҳўжаликларида қўшимча фаолият турлари йўлга қўйилди. Бунинг учун 1 653 миллиард сўм жалб этилган бўлса, фермер ҳўжаликлари ўз маблағлари ҳисобидан 1 220 миллиард сўм маблағ йўналтирган.

Хусусан, пандемия шароитига қарамай, жорий йил баҳорида 4,5 миллиондан зиёд аҳоли томорқасида 306,1 минг гектарга эртаги, улардан бўшаган ерларга такрорий, 228,7 минг гектар майдонга тўқсонбости усулида экинлар экилди. Шу боис, карантин даврида ҳам дастурхонимиз ва бозорларимиз тўкин бўлиб турибди.

Айни кезде фермер-деҳқон ҳўжаликлари томорқаларида иссиқхоналар ташкил қилиб, ҳалқимиз дастурхонига кишин-ёзин помидор, бодринг, кўкат ва цитрус мева-лар, қорвачилик маҳсулотларини етказиб берапти. Хусусан, Фарғона вилоятида 2018-2020 йилларда тижорат банклари томонидан қорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш мақсадида қарийб 2 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бунинг натижасида жорий йил 9 ой якуни билан вилоятда 123,1 минг тонна гўшт, 739,7 минг тонна сут, 239,9 минг тонна картошка, 790,4 минг тонна сабзавот, 47,8 минг тонна полиз, 290 минг тонна мева, 407 миллион донна тухум аҳоли дастурхонига етказиб берилди. Ушбу маҳсулотларни етиштириш ҳажмлари бўйича аввалги йилларга нисбатан барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Жорий йилнинг 16 октябрь куни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз “Озиқ-овқат

маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навони арзон қилсак, одамларни, айниқса, кам таъминланганларни рози қила оламиз”, дея қўнғилимиздаги истак-ниятларни илгари сурди. Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокимига ҳудуд аҳолисининг кейинги йил майгача гўшт, тухум, ун, ёғ, шакар, гуруч, картошка, сабзи ва пиёзга бўлган эҳтиёжи, бу маҳсулотларни қачон, қаердан олиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклиги таъкидланди.

Ҳалқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг ўн тўққизинчи сессиясида ҳудди шу вазифани ижро этиш масалалари таҳлил этилар экан, бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ҳудудларда “даладан-истеъмолчиғача” тамойили асосида етарли ишлар ташкил этилмагани, даврий равишда янги-ланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга эътибор қаратилмагани бозорлардаги нарх-наво ошиб кетишига олиб келгани қайд этилди. Масалан, жорий

йилнинг январь-сентябрь ойларида сут маҳсулотлари 16 фоиз, картошка 13,7 фоиз, гўшт маҳсулотлари 11,4 фоиз, ёғ-май маҳсулотлари 10,2 фоиз, шакар, чой ва зираворлар нархи 5,4 фоиз ўсгани кузатилди.

Шундан кейин қўрилган тезкор тадбирлар туфайли бозорларда нарх-наво пасайиши кузатиляпти. Бугунги кунда бир килограмм балиқ 9-10 минг сўм, 1 кило парранда гўшти 18-20 минг сўмдан хари-дорларга таклиф этиляпти. 5 литр ўсимлик ёғи 60 минг сўм. Картошка нархини барқарор сақлаб туриш мақсадида Сўх туманидан қўшимча маҳсулот олиб келиниб, арзон нархда сотувга чиқарилди.

Бу қўрилаётган чора-тадбирлар самараси, албатта. Президентимиз қўяётган вазифалар мавсумий эмас, изчил ва узокни йўлаб иш юритишни тақозо этади. Мисол учун, шундай фермер ҳўжаликлари борки, ўз ҳудудларининг йўл четларидаги арик, сув бўйларига экилган ўрик, олма, анор, узум, хурмо, ёнғоқ, pista, бодом, жийда каби мевалардан яхши ҳосил оляпти. Бу эса кўча-кўйлар ободлиги, тароватига-тароват қўшиб келяпти. Бу мевалар тоғда ҳам, даштда ҳам, қўмда ҳам ўсади, ривожланади ва мева беради. Умумлаштирилганда, минглаб километрга етадиган унумдор тупроқли ариқлар бўйлари, деҳқон ҳўжаликлари, томорқачилар ва хонадонлардаги ўнг минглаб гектар майдонлар экин ёки мева-ли даракт экилмасдан бўш ётибди.

Фермер ҳўжалигининг ер майдони 60-65 гектардан иборат бўлса, шу майдоннинг йўл четлари, сув юрадиган ариқ бўйларининг узунлиги боши-этаги камида 10000 метрни ташкил этади. Бу сув билан мунтазам таъминланган бир гектар ерга тенгдир. Одатда бодом ўсимлигини 3х4 схемада жойлаштирилганда бир гектар ерга 500 донна кўчат экилади. Унинг “Қилич”, “Юлқа пўчок”, “Оптиариқ” навлари сув бўйида яхши ўсади. Бодом тўртинчи йили ҳосилга киради. Бешинчи йилга келиб, бир тупи 10-15 килограмм, кейинги йилларда 25-30 килограммгача ҳосил беради.

Бодомни сув ва йўл қирғоғига яқка-яқка қилиб, 4 метрга 1 тупдан 1 қатор қилиб жойлаштириш мумкин. Бешинчи йилда бир гектардан энг камида 600 килограммдан 1500 килограммгача ҳосил йиғиштириб олиш мумкин. Бозор баҳосида унинг нархи 30-40 минг сўм туради, агар шу нархининг ярмини, яъни 15 минг сўм қилиб олганимизда ҳам жами 112 миллион 500 минг сўм даромад олинади.

Ёки ёнғоқни олайлик. У 6х6 схемада жойлаштирилади. 1 гектар ерга 277 донна кўчат экилади. Бир қатор қилиб, 6 метрга 1 тупдан жойлаштирилганда, даставвал,



40-50 килограмм, еттинчи йилдан бошлаб 100-150 килограмм ҳосил беради. Бозор баҳосидаги нархини икки баробар камайтириб, харажатларни чиқариб ташлаганда, йилга энг камида 100 миллион соф фойда қолади. Асосийси, бодом, ёнғоқ мевасининг сифати бузилмайди, узок сақланади, олис масофаларга олиб бориш учун ҳам алоҳида эътибор талаб қилинмайди.

Назаримизда, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда фермер-деҳқон ҳўжаликларининг имкониятларига доир тарғибот-ташвиқот ишларини изчил кучайтириб боришимиз зарур. Тўғри, бу борада кўп иш қилинди, қилиняпти. Лекин унинг оддий ва самарали йўллари тушунтириш фойдадан холи бўлмайди.

Оддий уй ҳўжаси, асосан, тухум йўналишида бўлади. Гўшт йўналишида балиқ-ганди эса 40-45 кунда тирик вазни 2,4-2,5 килограммга етади. Ҳазм бўлиш коэффициенти 94-95 фоизга тенг, таркибида 20 фоиз оқсил, 10-12 фоиз ёғ бўлади. Агар фермер ҳўжалиги ҳар икки ой муддатда 100 донна паррандани парвариш қилиш тизимини тўғри йўлга қўйиб олса, ўртача 200 килограмм товўк гўшти, 5100 доннага тухум етиштириши мумкин. Ҳисоб-китобларни, яъни харажат ва фойдани 50/50 ҳисобида қўйганимизда ҳам камида 100 килограмм гўшт ва 2550 донна тухумдан соф ҳолда фойда қолади.

Шу боис, ҳар бир фермер ҳўжалигида 100 бош товўк ёки 100 бошдан ўрдак, қуркага мосланган хона, қўй, эчки, сигирлар боқадиган қорва моллари учун қўраси ёки молхонаси бўлиши зарур. 10-12 литр сут берадиган битта соғин сигирга эга бўлган оила аъзолари ўзларининг кичик қорхонаси борлигини ҳам билавермаса керак. Чунки соғин сигирдан сут, сутдан қаймоқ, қаймоқдан сариёғ, сариёғдан дўлта, қатиқ, қатикдан қурут, пишлоқ ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бундан ташқари, ҳар йили сигир бузоқ беради. Бу кичик қорхонани парвариш қилиб борилса, битта оилани гуллаштиб, оғирини енгил қилади. Оилада нафақа олиб яшовчи отахон ва онахонларга вақтни беҳуда ўтказмаслик учун эрмак бўлса, уйдаги укувчи набиарлар фойдали меҳнат билан шуғулланади, ҳаётни, йўқдан бор қилишни, ҳалол яшашни ўрганади.

Яна шуни таъкидлаш кераки, фермер ҳўжаликлари ўзларида балиқчилик тармоғи бўлишини яқин-яқингача ҳаёлига келтирмаган эди. Ваҳоланки, ҳар бир фермер ҳўжалигида кичикроқ бўлса ҳам сув тўлдрилган битта ҳовуз мавжуд бўлиб, бунга эътибор қаратилса, ҳеч бўлмаганда, бир тонна балиқ етиштириш имконияти яратилади. Ушбу хазинани рўёбга чиқаришни бугунги кундаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фермер ҳўжалигида камида иккита асалари оиласи жойлаштирилса, ўртача йилга 55-60 килограмм атрофида соф ҳолда асал олиш мумкин. Бундан ташқари, ғўзанинг чангланishiга асалари жуда катта ёрдам беради. Асалари қўйилган майдонларда пахта ҳосили сезиларли даражада юқори бўлади.

Бу тавсия ва таклифлар деҳқон-фермер ҳўжаликлари учун ортиқча харажат қилмасдан, бажарилиши ва қилиниши мумкин бўлган ишлардир. Уларни амалга ошириш туфайли қисқа муддатда катта даромад эгаси, тадбиркор бўлиш мумкин. Ишчилар ва оила аъзолари учун ўзи етиштирган гўшт, сут, сариёғ каби озиқ-овқат захирасини яратишга эришилади.

Муҳтасар айтганда, бебаҳо неъматимиз бўлган ҳар қарич ерни эъозласак, мавжуд имкониятларни ишга сола билсак, дастурхонимиз ва бозорларимиз янада тўкин, нарх-наво арзонлашиб бораверади.

Даладан экспортга

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Кўпчилик ҳалқ орасида “кава”, “каперс” деб аталадиган қовул ўсимлиги ҳақида деярли маълумотга эга эмас. Ваҳоланки, қовул фармацевтика саноати учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланади. Жумладан, табобат илми султонли Абу Али ибн Сино ушбу наботот туридан қўлаб хасталикларни даволашда қўл келадиган дармондорилар тайёрлаш усулларини ёзиб қолдирган.

Ковул етиштириш ҳажми ошмоқда

Жорий йилнинг 9 ойида
Жиззах вилоятининг
ташқи савдо айланмаси

694 миллион АҚШ
долларини ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич **2019**
йилнинг мос даврига

нисбатан **288** миллион

600 минг доллар ёки

41 фоиз ошди. Ташқи
савдо айланмасида экспорт

ҳажми салкам **100**
миллион доллар бўлиб,
бу ҳам ўтган йилдагига
қараганда 1,6 фоиз кўпдир.



Масалан, ўсимлиқнинг илдиз қисмидан олинадиган дам-лама гепатитга шифо бўлса, пояси ва барги тери касалликларидан қорғи бўлишда асқатади, меваси таркибидagi йод буюқдан азият чекадиган инсонларга катта наф келтиради. Жаҳон фармацевтика саноатида мазкур тавсиялар асосида дорилар тайёрлаш кенг йўлга қўйилган.

Мутахассисларнинг айтишича, қовулчилик энг истиқболли тармоқ бўлиб, уни йўлга қўйиш ортиқча маблағ ва ресурсларни талаб қилмайди. Сабаби, ер бағирлаб ўсадиган тиканли бута жой танламайди, сувсизликка ўта чидамли, баландлиги 1 метрдан 2 метргача етади. Еввойи турлари май ойидан то октябргача ўсиб, ҳосил беради. Гуллари нийҳоятда гўзал, эрталаб очилади-да, кечга бориб ёпилади. Реза меваси икки палладан иборат бўлиб, худди тарвузга ўхшайди. Пишгандан сўнг, лола мисол очилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қуёшсевар, айни чоғда совуққа чидамли бу ўсимлиқни маданийлаштириш, жаҳон бозорига хариддоригр бўлган “тарвузча”лар етиштиришни йўлга қўйиш иқтисодийётни мустаҳкамлашини муҳим омилларидан бирига айланади.

Жорий йилнинг 9 ойида Жиззах вилоятининг ташқи савдо айланмаси 694 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 288 миллион 600 минг доллар ёки 41 фоиз ошди. Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми салкам 100 миллион доллар бўлиб, бу ҳам ўтган йилдагига қараганда 1,6 фоиз кўпдир.

Таъкидлаш кераки, кейинги пайтларда воҳа заминидида пишиб етилаётган ноъанавий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, вилоятнинг 10 дан ортиқ қорхонаси йилнинг ўтган ойларида 2 минг тоннага яқин қовулни хомашё ва тайёр маҳсулот сифатида хориж истеъмолчиларига етказиб берди. Бу борада Форш туманида фаолият юритаётган “Урмонча-каперс” МЧЖ ҳамоаси қўлга киритаётган натижалар эътиборни ўзига тортади.

— Шу бугунгача Италия ва Испания бозорига иккиламчи маҳсулот сифатида 300 минг долларлик қовул етказиб бердик, — дейди МЧЖ раҳбари Алишер Аҳмедов. — Айтиш жоизки, хомашё қўринишидаги қовулнинг бир килограмми ўртача 1,5 долларга баҳоланади. Истеъмолга тайёрининг килоси эса 3 доллардан ошади. Шунинг учун ҳам биз яқинда қовулни тайёр маҳсулот шаклига келтириш ва қадоклашга мослашган линияни ишга туширдик. Чиройли дизайндаги, бежирим идишларга солинган маҳсулотимизнинг катта партиясини “Золото Востока” бренди остида Европа ва Россия бозорларига экспорт қилиш арафасида турибмиз.

Йил якунига қадар 1 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишни қўлаб турган “Урмонча-каперс” МЧЖда жами 35 киши доимий иш билан таъминланган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги



Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Президентимиз пандемия бошланиши биланоқ, биринчи ўринга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини қўйган эди. Ўз вақтида ўртага ташланган бу долзарб вазифа ижроси самарасини бугун кўряпмиз. Жумладан, Хоразм вилоятидаги мавжуд экин майдонлари, шунингдек, аҳоли томорқаларида сабзавотлар, дуккакли ва бошоқли экинлар ўз вақтида экилди ва юқори ҳосил олишга эришилди.

ИМПОРТГА ЭҲТИЁЖ БЎЛМАЙДИ

Бундан икки йил олдин вилоятда катта ҳажмдаги иссиқхоналар қуриш бошланганди. Айнан иссиқхоналарда йилнинг барча фаслларида аҳоли эҳтиёжи учун зарур сабзавотлар етиштириш тажрибаси ҳам ўзлаштирилди. Аҳоли томорқаларида қўрилган иссиқхоналар ҳам ана шу жараёнга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, вилоятда яшовчи аҳолининг 2020 йил ноябрь ойидан 2021 йил май ойигача бўлган даврдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қуйидаги миқдорда: 26,2 минг тонна гўшт, 13,9 минг тонна парранда гўшти, 6,6 минг тонна балиқ, 49,2 минг тонна картошка, 9,2 минг тонна гуруч, 73,1 минг тонна ун, 10,3 минг тонна шакар, 194,7 миллион донна тухум, 8,5 минг тонна ўсимлик ёғи, 6,3 минг тонна пиёз ва 18,2 минг тонна сабзи. Тухум, балиқ, гуруч, сабзи, шакар маҳсулотларига бўлган эҳтиёж икки имкониятлар ҳисобидан тўла қопланади. Бундан ташқари, воҳалик миришкорлар юртимиз вилоятларига гуруч ҳам етказиб беради. Балиқ етиштириш бўйича

вилоят энг олдинги ўринларда туради. Бугўйдан бўшаган майдонларга иккинчи экин сифатида шולי қўчатлангани, сабзавот экинлари экилгани ва мўл ҳосил олингани икки имкониятларни янада оширди.

Шу билан бирга, пиёз, картошка каби сабзавотлар йил давомида тадбиркорлар томонидан воҳа бозорларига вилоятлардан узлуксиз етказиб берилляпти. Гарчи бошқа вилоятлардан олиб келинса-да, бу маҳсулотлар нархи нисбатан арзон. Шунингдек, яна ташқаридан гўшт, парранда гўшти, ўсимлик ёғи ҳам келтирилади. Бу каби озиқ-овқатлар нархи маҳаллий етиштирувчилар маҳсулотлари нархидан деярли фарқ қилмайди.

Таъкидлаш зарурики, айнан олдимизда турган олти ойда воҳада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида танқис ҳисобланган маҳсулотларни четдан харид қилиш учун 131,9 миллиард сўм маблағ зарур бўлади. Ушбу маблағнинг 6,2 миллиард сўми маҳаллий бюджетдан, 1,5 миллиард ҳокимлик жамғармасидан ажратилиши режалаштирилган. 87,2 миллиард сўм эса



тадбиркорлар маблағларини ташкил қилса, 38,5 миллиард сўм банк кредитлари ҳисобидан бўлади.

Бундан қўрииб турибдики, қиш ва баҳор ойларида вилоят аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш қатъий назоратда бўлиб, бозорларда нархлар асосси ошиб кетишининг олдини олиш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят аҳли қиш фаслида ва яна пандемия шароитида ҳеч қандай озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик сезмайди.

Таъкидлаш зарурики, айнан олдимизда турган олти ойда воҳада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида танқис ҳисобланган маҳсулотларни четдан харид қилиш учун

131,9 миллиард сўм
маблағ зарур бўлади. Ушбу

маблағнинг **6,2** миллиард
сўми маҳаллий бюджетдан,
1,5 миллиарди ҳокимлик
жамғармасидан ажратилиши
режалаштирилган.

87,2 миллиард сўм эса
тадбиркорлар маблағларини

ташкил қилса, **38,5**
миллиард сўм банк
кредитлари ҳисобидан
бўлади.

Тараққиёт мезонлари



Неъматилла МЎМИНОВ, техника фанлари доктори, профессор

Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанадаги сўзларини тинглар эканман, мамлакатимиз кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйиб, Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳақидаги фикрларидан кўнглим тоғдай қўрқилди.

Башарият тарихи шундан сабоқ берадики, дунё цивилизацияси, айниқса, техника ривожى билан ҳамқадам бўлмаган давлат тараққиёт одимидан ортда қолиб, чеккага сурилиб қолаверади. Алал-оқибат турли жабҳаларда қарамликка юз тутиб, кучли давлатларнинг вассалига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бунга доир мисолларни олис мозийдан эмас, унча узоқ бўлмаган даврлардан ҳам келтириш мумкин.

Ҳа, тарих катта муаллим. Шу боис, юртимизда илм-фанны, инновацион технологиялар, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсат узоқни кўзлайди, бугунги даврнинг энг илғор талабларига жавоб беради, десак муболага бўлмайди. Иқтидорли ёшларимизнинг чет элдаги нуфузли ва ривожланган олий ўқув юртларида таълим олиши, айни кезде хорижнинг ийрик университет ва институтлари филиалларининг Ўзбекистонда очилиши илмий-техник кадрлар янги авлодини камолга етказишга бўлган талабни қондиришга хизмат қилади. Бинобарин, сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 121 тага етди.


Президентимиз айтганидек, “Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳам-мамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда”.

Мазкур вазифани амалга оширишда саноатни ривожлантириш, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларини механизациялаш, автоматлаштириш, роботлаштириш асосий ўрин тутади. Бунى жаҳон тажрибаси ҳам амалда кўрсатиб турибди. Статистик рақамларга кўра, 2018 йилда сайёрамизнинг ҳар 10 000 та ишчи ходимига 85 дан зиёд робот тўғри келган. Уларнинг энг кўпи Жанубий Кореяда ишлатилади — 10000 та ишчига 710 та, Сингапурда 500 дан ортқк ва Германияда 350 га яқин, Хитойда 95 та, Россияда 4 та саноат роботи тўғри келади. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, иш жараёнларини автоматлаштириш Осиё ва Америкада энг жадал суръатларда кечмоқда, ҳар йили уларда роботларнинг сони мувофик равишда 9 ва 7 фоиз ошиб бормоқда. Хитойда бу миқдорнинг ўсиши йилга 60 фоизни ташкил этади.

Рақамлар аққол кўрсатиб турибдики, саноат роботлари, ахборот технологиялари, микропроцессорлар, бошқа замонавий техника воситалари асосидаги эпчил технологияларни жорий этиш жаҳон



иқтисодиётининг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Технология аслида санъат демакдир. Ҳар қандай машина, ускуна, комбайн,



истеъмол моллари ва ҳатто болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш уларсиз амалга оширилмайди. Юртимизда пахтачиликда кластер усулини қўллаш кенг татбиқ этилиб, етиштирилаётган пахтанинг 50 фоизини қайта ишлашга эришилди, тез орада бу кўрсаткич 100 фоизга чиқади. Шу мақсадда ривожланган хорижий мамлакатларнинг замонавий технологиялари асосида тайёрланган тўқимачилик машиналари келтирилиб, ишлаб чиқаришга жадал жорий этиляпти.

Бектемир туманидаги “Metal Processing” масъулияти чекланган жа-

мазкур лойиҳа саноатни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини тўлдиришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Айни кунда “Metal Processing” МЧЖда тўқимачилик корхоналари буюртмаси асосида дастгоҳлар учун коппама ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона Швейцариянинг “SkillSonics International AG” компанияси билан ҳамкорликда металлга ишлов беришда жаҳон стандартларидан фойдаланиб келяпти.

Яқинда давлатимиз раҳбари корхона фаолияти билан танишар экан: “Узоқ йиллар давомида вазият шундай эдики, машаққат билан етиштирган пахта-миздан фойдани бошқалар кўради. Кейинги пайтларда унинг юртимизда қайта ишлаш даражаси кескин ошди. Тўқимачилик кластерлари пайдо бўлди. Уларнинг замини — пахтани қайта ишлаш. Бунинг учун эса илгор техникалар, сервислар керак.

Бундай корхоналарнинг “юраги”— муҳандис, конструкторлар. Афсуски, бизда кўп заводларнинг шундай “юраги” йўқ. Ақлли мутахассисларни топиб, қўллаб-қувватласак, маҳаллийлаштиришга катта ҳисса қўшади,” деганида минг қарра ҳақ эди. Шу ерда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедралари бўлимини очиб, амалиётни кенгайтириш лозимлиги қайд этилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодиёти парокандаликка юз тутган Германия 15-20 йил ичида дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириб олди. Япония ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Улар тараққиёти-

нинг асосий сабаби бошқа ривожланган мамлакатлар билан илмий ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаб, саноатнинг энг кучли йўналишларидан бири бўлган машинасозликни, роботсозлик ва электротехникани равнақ топтиргани билан узвий боғлиқ.

Ҳўш, Ўзбекистонда машинасозлик саноатини ривожлантириш қандай аҳволда, деган савол туғилади. Тошкент шаҳрида Политехника институти базасида ташкил топган Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети мавжуд. Ушбу университетда машинасозлик технологияси кафедраси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, Тошкентдаги Кибернетика институтида станокларнинг ишлаш таомилларини тақомиллаштиришга оид илмий ишларни олиб бориш учун 4 та лаборатория ташкил этилган.

Муктасар айтганда, машинасозлар олдида янги инновацион ишлаб чиқариш лойиҳада келтиришдек катта вазифа турибди. Уни амалга оширишнинг асосий йўлларида бири саноат роботлари асосида тузилган автоматлаштирилган эпчил ишлаб чиқариш воситаларини жорий этишдир. Шундай техникавий-ташкилӣ композициялар ишлаб чиқарилиши керакки, уларнинг фазовий тузилмасини ўзгартариш тўғрйб, истаган вақтда янги буюм ёки маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш масаласи ҳал этилиши лозим.

Ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш айрим жараён ва операцияларни автоматлаштиришга қараганда, кўпроқ иқтисодий самара беради. Шунингдек, қайси корхонада фан-техника ютуқлари муваффақиятли қўлланилаётган бўлса, шу ерда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг ошишига қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Инсон табиат силраларни тобора чуқурроқ ўрганиб, янгидан-янги кашфиётлар яратмоқда. Ҳозирги замон фан ва техникасининг қўллаб ютуқлари бугунги кунда сирли мўъжиза бўлиб қўриниши мумкин. Дарҳақиқат, инсон ўзидан неча минглаб километр узоқликдаги предметларни қўра олишни ўрганди, атомнинг қудратли кучини ўз хизматига бўйсундириб, космосга, Ойга қадами етди, илгари фақат одамнинг ақли қилиши мумкин бўлган ишларни бажара оладиган машиналар яратди.

Инсон яратган мўъжизаларнинг қўллари ҳозирги ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган. Улар одатий нарсаларга айланди. Бироқ ана шу “оддий мўъжизалар”ни яратишда фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг қўллаб ходимлари неча

ўн йиллар давомида зўр бериб ижодий меҳнат қилганини, инсоният ақл-заковатининг чинакам ўтувгорлигининг маҳсуллари эканини унутмаслик керак.

Ҳўш, улугвор ишларни амалга оширувчи инсон, Аристотель айтганидек, табиат камчиликларини тўлдирувчи техникани яратишда қандай кучларга таянади? Шубҳасиз, инсон бу соҳада ўз идроки билан яратган фаннинг буюк қонунларига асосланиб иш қўради. Россия авиациясининг отаси Жуковский: “Инсон ўз қанотига эмас, балки фаҳм ва идрокига таяниб ўчади”, деган эди.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ютуқлари жаҳмий ишлаб чиқарувчи кучлари ва инсоният ақл-заковатининг ўсишига кенг шароит яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам, “фан” деган тушунчаниннг ўзи, шубҳасиз, ҳар томонлама илмий ўрганиш объекти ҳисобланади.

Ҳозирги замон фани ва унга муносабат олимларнинг дунёқараши, идеали ва маънавий баалоғати билан чамбарчас боғлиқ. Илм эгаллаш, уни қандай мақсадлар йўлида сарфлаш ва ундан қандай фойдаланиш, унга қандай хизмат қилиш жуда катта иқтимоий масаладир.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши беқёёс аҳамиятга эга. Ушбу вазирликда ишлаб чиқаришни роботлаштиришга оид лаборатория фаолият қўритаётгани ҳар қанча мақтовга сазовор.

Республикаимизда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш соҳасида амалий ишлар қйлаётган олимларимиз меҳнатларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундай олимлар фаолиятини ишлаб чиқариш билан бақамти изчил таъминлаш, билим ва тажрибаларидан самарали фойдаланиш юқори билимли мутахассисларни тайёрлашда ҳам асқотади.

Илм-фан ва техника инқилоби содир бўлаётган, янги босқичга кўтарилаётган ҳозирги даврда фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб, унинг халқ ҳўжалиги турли тармоқларнинг умумий равнақига қўшадиган ҳиссаси ғоят муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Демак, биз дунё тамаддунининг ана шу муҳим нуқтасида қарвонбоши мамлакатлар сафидан жой олиш учун машинасозликнинг инновацион лойиҳаларини жонбозлик ва жадаллик билан жорий этиш йўлидан дадил боришимиз зарур бўлади. Ана шунда Учинчи Ренессанс пойдевори янада мустаҳкамланади, унинг мухташам бйноси ҳам тезроқ, пухтароқ барпо бўлади.

Тадбиркорлик



Лола САОДАТОВА, журналист

Айни пайтда Қашқадарё

вилоятида **45 369** та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, уларнинг ялли ҳудудий

маҳсулотдаги улуши **60,1** фоизни ташкил этмоқда.

Вилоятда ўзига хос йўналишда фаолият юритаётган йирик тадбиркорлик субъектларидан бири “Darmon Farm” хусусий корхонасидир.

— Қишлоқ боласи эмасманми, ерни яхши қўраман, — дейди корхона раҳбари Анзур Нормуродов. — Минг дардга даво бўладиган меваларимиздан ҳеч қандай модда қўлмасдан табиий шарбат етиштириб, экспортга чиқариш гоёси анчадан буюн мен тинч қўймасди. Шу сабабли дастлаб 20 гектар ташландик ер олиб, олмасроқ бог яратдим.

Тадбиркор Қашқадарёнинг қуёш нурига тўйинган, витаминларга бой, дармондори мева-сабзавотларидан шарбат ишлаб чиқариш ҳаракатига тушди. Шу сабабли хорижга чиқиб, ишлаб чиқариш технологиялари билан танилиб, ўрганди, изланди. Ниҳоят Яккабоғнинг чоғроққина Сандал қишлоғига Австриянинг “VORAN Maschinen GmbH” ва Польшанинг “Mega Sp.z o.o” компанияларида ишлаб чиқарилган умумий қиймати 253 минг евро турадиган ускуналарни олиб келиб ўрнатди. 2017 йил мустақиллик байрами арафасида шифобахш меваларимиздан табиий шарбатлар тайёрловчи “Darmon Farm” хусусий корхонасини расман ишга тушди. Бу хушхабар, айниқса, ён-атрофдаги қишлоқ аҳлини қувонтирди. Негаки, қўллаб ёшлар иш билан таъминланди, бошқа томондан эса азал-азалдан ер билан тиллашган, Яккабоғни минг бир боққа айлантирган богбонлар етиштирган ҳосил қишлоқнинг ўзида қайта ишланадиган бўлди.

— Биз маҳсулотни, асосан, маҳаллий бог-бонларимиздан харид қиламиз, — дейди Анзур Нормуродов. — Энг муҳими, мазаси, таъмига эътибор берамиз. Ўзбекистоннинг тупроғи зар, деб бежиз айтилмайди. Юртимизда етиштирилган олма мева шарбати билан чекланиб қолмасдан, шифобахш полиз маҳсулотлари, айниқса, сабзи-олма, сабзи-олма-қовоқ, олма-қовоқ каби мева-сабзавот комбинациялари асосида ҳам табиий шарбатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Қувонарлиси, маҳсулотларимиз тезлик билан ўз харидорини топди.

Корхонада барча ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилган. Дастлаб хомашё яхшилаб ювилгач, саралаш босқичи бошланади, ана шундан кейин янчилиб, табиий суюқлик олинади. Филтрланган шарбат 85 даражагача ҳароратда қиздирилиши энг муҳим босқич бўлиб, мева-сабзавотнинг табиий хусусиятлари сақланиб қолишини таъминлайди. Маҳсулотларни қадоқлаш ҳам автоматик равишда амалга оширилиб, табиий шарбатлар “Super pouch” 1,5 ва 3 литрли махсус замонавий идишларга солинади. Энг муҳими, қадоқланган идишларга қўйилган жумрак шарбатдан эҳтиёжга қараб фойдалангач, қолган қисмини яна бир неча кун, ҳатто ойлаб сақлаш имконини беради.

— Олмани бутун дунёда севиб истеъмол қилишининг сабаби фақат мазали таъмида эмас, — дейди Қарши давлат университети профессори Лутфулла Езиев. — Олма таркибидagi антиоксидантлар, флаваноидлар ниҳоятда фойдалди, онкологик, қандли диабет, гипертония, юрак хасталикларига катта фойда беради. Инсултининг олдини олади, қанд миқдорини меъёрда ушлаб туради. Ундаги темир модда гемоглабинни кўтарadi. Альцгеймер хасталигининг олдини олади. Олмадаги клетчаткалар атеросклероз пайдо бўлишига йўл қўймайди. Бир сўз билан айтганда, соғлом бўлишни истаган киши ҳар кун и бир донадан олма ейиши керак. Ҳозирги пайтда жаҳон олимлари органик тоза маҳсулот етиштириш масаласи юзасидан чуқур изланишлар олиб бормоқда. Чунки қўшимча минерал ўғитларсиз, турли кимёвий моддаларсиз етиштирилган маҳсулотга эҳтиёж ниҳоятда ошиб кетди.

Тадбиркорликнинг энг муҳим шартларидан бири тинимсиз изланиш, ўқиш-ўрганишдир. “Муваффақиятлни сайй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим”, деганларида буюк аллома Наҳмиддин Кубро ҳазратлари нақадар ҳақ эди. Анзур Нормуродов ҳам тинимсиз изланди, хорижининг етакчи компаниялари билан алоқа ўрнатди, маҳаллий хусусиятларга мос технологияларга кўз тикди. Албатта, тадбиркор ўз орузлари ва интилишлари билан ёлғиз қолиб кетмади. Маҳаллий ҳокимликлар қўллаб-қувватлашлари натижасида тадбиркорга қўшимча ер майдони ажратиб берилди.

— Айниқса, 2018 йил мен учун жуда омадли ва қувончли йил бўлди, — дейди тадбиркор. — Чунки Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида корхонамизга келди. Уша учрашувда айтган сўзлар, эътирофлари ҳалиям менга илҳом беради.

Давлатимиз раҳбарининг корхона фаолиятини кенгайтириш учун янги боғлар яратиш тўғрисидаги кўрсатмасидан сўнг ер майдони яна кенгайрилди. 556,5 гектар майдонда янгидан бог ва узумзор барпо этилди. Иш ўринлари кўпайди.



Корхона бир кеча-кундузда 20 тоннагача мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми кунига ўртача 15-20 тоннага етказилди.

— Тупроғимизнинг серҳосил, унумдорлиги ҳақидаги “деҳқон эсидан чиқиб қолдириб кетган кетмон бу йилга гуллаб туради”, деган таърифнинг топиб айтилганига қойил қоламан, — дейди Анзур Нормуродов. — Айниқса, қишлоқ аҳолиси бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Полиз маҳсулотлари экади, дарахт парвартилайди. Қашқадарёликнинг томорқасида ҳеч бўлмаса бир ҳўяқ помидор етиштирилади. Маҳсулотларни ўзимизнинг боғларимиздан ташқари, асосан, қишлоқ аҳолисидан, фермер-деҳқон ҳўжалиқларидан сотиб оламиз. Улар етиштирган маҳсулотлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Кўпроқ помидор етиштирилишини инобатга олиб, бу маҳсулотдан ҳам ҳеч қандай қўшимчаларсиз, табиий шарбатлар етиштиришни йўлга қўйдик. Таркибида табиий шакарнинг барча турлари, В1, В2, В3, К, Р, В6, С витаминлари, қаротин ва яна бошқа кўпгина фойдалли озуқалар мавжуд бўлган бу маҳсулотдан тайёрланган шарбатимиз ҳам истеъмолчиларга манзур бўлди.

Айни кунларда корхонада анор, нашвати нокдан ҳам шарбат ишлаб чиқариш устида изланишлар олиб боришмоқда.

— Корхонамиз ишга тушганига яқинда роп-роса 3 йил бўлди, — дейди корхона ишчиси Шерзод Шеров. — Мен, асосан, богда дарахтлар парваршишни кузатаман. Бу иш ҳам автоматик бошқарилади. Ердан унумли фойдаланиш,

аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида богимиздаги дарахтлар орасида турли сабзавотлар — ловия, фасол, бўлғор қаламлари, бақлаҳон, помидор, бодиринг қаби-ларни ҳам етиштирдик. Пандемия шароитига қарамай, корхонамизда бир зум ҳам иш тўхтагани йўқ. Карантин қондаларига рияоз этган ҳолда, фаолиятимизни давом эттирмоқдамиз.

Дарҳақиқат, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги кенг имкониятлар, шунингдек, тадбиркорнинг тинимсиз изланишлари натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати яна бир неча баробар ошди, маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлди.

— Мана бу “Marusha” бренди остидаги ҳам-лар бўтқаси, — дейди тадбиркор чироили қадоқланган маҳсулотни кўрсатиб. — Президентимиз томонидан мактабгача таълим муассасаларига жуда катта эътибор қаратилиши, жажжи болаларимизнинг ҳар томонлама соғлом воёга етиши учун жон қуйдиришларидан таъсирландим. Қанот бўлгим, бу соҳадаги ишларга ҳисса қўшгим келди. Шу сабабли болалар учун мева-сабзавотлардан витаминларга бой озуқа — бўтқа ишлаб чиқаришни пандемия шароитига қарамай, шу йил апрель ойида йўлга қўйдик. Италиядан қий-мат 1 миллион 217 минг АҚШ доллара тенг бўлган замонавий болалар учун поре ва шарбатлар ишлаб чиқариш линиясини олиб келиб ўрнатдик. Карантин сабабли хорижий мутахассислар келолмади. Лекин онлайн тарзда ускуналарни ўрнатиш ва ишлатишни ўргатди. Ҳозир қирқдан зиёд қишлоқ ёшлари бу техникаларни

қойиллатиб ишлатяпти. Корхонамизда соатига 5 тонна мева-сабзавот қайта ишланамоқда. 4 ойлик чақалоқдан то ўсмир ёшдаги болалар учун мўлжалланган болалар бўтқасига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Сифати жиҳатдан ҳеч қайси хориж маҳсулотидан қолишмайдиган бу маҳсулот хариддорлигининг сабаби, табиийлиги ва нархи арзонлигида. Бугунги кунда ички бозорни таъминлаш мақсадида барча вилоятларга маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйилган.

Тадбиркор учун вақт — энг қиммат ресурс. Сўхбатдошимиз фаолияти билан таништириш асосида ҳамкорлар билан гаплашиш, ишга оид кўрсатмалар бериш, мурожаатларга жавоб қайтаришга ҳам улгурар эди. Ҳамма мулоқотлар оддий, самимий ва ҳозиржавоблик билан йўғрилган эдики, муваффақиятлар сири кўпинча инсон шахсияти, одоби ва маданиятига нечоғлиқ боғлиқ эканини англаш қийин эмасди.

— Бугун биз учун жуда муҳим кун, — деди яна биз билан мулоқотга қиришган қаҳрамонимиз. — Богдорчилик маҳсулотларини қишин-ёзин сарҳил ҳолда сақлаш ҳамда корхонамизнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида Италия, Германия, Россия ва Нидерландия технологиялари асосида 5000 тонна симиғма эга инновацион совитиш камераларимиз ишга тушди.

Мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини сақлаш музлатгичлари бугунги кун тадбиркорларини қизиқтирган бизнес турларидан бўлиб қолди. Сабаби, мамлакатимизда экспортроп маҳсулотлар тайёрланиши уларга бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Экспортга йўналтирилган мева-сабзавотнинг хариддоригрлиги, албатта, сифатли етказилишига боғлиқдир. Вилоятда ягона бўлган бу музлатгичлар тезлиги, маҳсулотни шок усулида музлатиши, сифатини ўз ҳолида сақлаб қола олиши билан аҳамиятлидир.

Бизнесда тадбиркорнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, узоқни кўра билиши, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Анзур Нормуродов ҳам бугун тадбиркорликда эришган барча муваффақиятларини, аввало, мамлакатимиздаги қулай тадбиркорлик муҳити билан боғлайди. Саховат ва мурувват ишлари ҳақида гапиришни эп кўрмадилар. Лекин кам таъминланган оилаларнинг 150 нафар фарзанди, битирувчи ёш иш билан таъминланбиди. Бир неча оиланинг рўзгор кечиси назоратда экан, талабаларнинг тўзғон контрактилари, тўйлар ўтказилиши ҳақида эп эътироф этди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши, бу соҳадаги, айниқса, пандемия шароитида ҳам давом этган кенг қўлмали ислохотлар ана шундай истиқболли лойиҳаларга ва, ўз навбатида, саховату мурувват тадбирлариға йўл очяпти.

Ватан манзаралари

БИР ЎЛКАКИ, САЛ КЎРМАСА, ҚУЁШ СОҒИНАР...

Ашурали ЖЎРАЕВ

Ҳар куни уйғонган заҳоти эндигина нурлари тарала бошлаган қуёшни кўриб, қалбим ёришиб кетади. Қуёш билан уйғонганимдан вужудим яйрайди, руҳим тоғдай юксалади. Қуёш кўкда эмас, гўё юрагимда порлай бошлайди. Қуёшни эркалагим, у билан уйғонгим ва мазза қилиб гурунглашгим келади. Хай яхшилар, билиб қўйинг, юракдаги қуёшнинг меҳри бўлакча, тафти бўлакча...



Ахир ҳар куни қуёш билан уйғониш кишига янги ҳаёт ҳадаи этади-да. Бу заррин нурлар оғушидаги янги тонгнинг ўзи катта ва бебаҳо бахт.

Азиз дўстим, биродарим, жигарим, Сиз оппоқ ва беғубор тонгни кутиб олишга тайёрмисиз?

Келинг, янги кунда бир-биримизни самимий қутлаб, бир-биримизга омад тилаб, бир-биримиз учун меҳр ва ҳадылар улашайлик. Яхши ва эзгу ниятлар билан қўлларимизни кўксимизга қўйиб, қуёш бобога таъзим қилайлик. Ватанимиз, халқимиз учун яна бир тинчлик тонги отанига қайта-қайта шукрона айтайлик.

Жоним сенга қурбон бўлсин, буюк неъмат — тинчлик, деб овозимиз этгунча хайқирайлик. Яратганга илтижолар қилиб: “Илоҳ, тинчликнинг умрини пойдор этгин, мангуликка муҳрагин, ўзбек халқи қаторида ер юзи аҳолисини ҳам абадий тинчлик билан сийлагин”, деб дуоларга қўл очайлик.

Ахир ҳар тонг ер юзида ўқлар, урушлар овозидан кўриб, титраб уйғонаётганлар камми?

Ҳар тонг намоийшлар, ур-ийитлар шовқин-суронлардан титроқ юракларни ҳовучлаб қўз очаётганларнинг сон-саногини бормикин?

Ҳар тонг оч-наҳор уйғониб, қорин тўйғазиш гамида сарсон-саргардон юрганларнинг тақдирига ачинмаймизми? Бир тишлам нон илинжида боло-қазоларга гирифтор бўлаётган, денгизларда офатларга ғарқ бўлаётган қочоқларни кўриб, эшитиб, юраклар эзилади, вужудлар қон бўлади.



Эй юрак, сен ўзингда, аввало, қуёшни топиб, юрагинг тубига жойла. Жойлагин-у, қуёшни ардоқлаб, тавоф этиб, қуёшга меҳр билан сажда қилгин, сўнг унинг саҳий нурларини кўзларинг тубига оҳиста жойлагин. Токи, бу саховатли нурлар қалбингда жило берсин. Умринг ана шу муборак нурлар билан безансин, боқийлик касб этсин.

Ҳинд ҳикматида айтилганидек: “Бизни қуёшнинг чиқиши ва шафақ қувонтиради, лекин қуёш бизнинг ҳаётимизни ўлчаётгани тўғрисида уйламаймиз ҳам”.

Келинг, қуёш олдида ҳамиша ҳисоб берайлик, ҳаётимизнинг яхши ва ёмон, қувончли ва изтиробли лаҳзаларини қуёш мезонлари асосида ўлчайлик. Виждон ва иймонимизни қуёш тарозисига солиб кўрайлик, қанча тош босаркин?! Ахир қуёш қиоинотнинг, инсониятнинг Аллоҳ томонидан яратган буюк муъжизаси — қўдрат тимсоли эмасми? Қуёшнинг олмос нурларида тақдирларимиз битилмаганими? Непар ёзилган, непар қайд этилган



бу битикларда? Баъзан қуёшни юрагимга жойлаб, унинг мусаффо нурлари қанчалар гўзал, қанчалар беғубор ва поклигини туяман...

Эй, Яратгanning суюкли ва оқиз бандаси, шуни яхши билиб, теран англаб етқи:

*Қуёшдан фақат ҳикмат излаш керак,
ҳалоллик сўраш керак,
Қуёшдан куч-ғайрат олиш керак,
шижоат тилаш керак.
Қуёшга интил-у, қуёшга талпин.
Ундан ғайрат ва қўдрат олгин.
Қуёшдан нури мадад,
зиё излаш керак, ўзини, ўзликни топиш керак.
Қуёш билан уйғонганлар
ҳамиша бахтлилар сафида бўлади.*

Қуёш билан уйғонганлар ризқлари доимо бутун, дастурхонлари тўкин-сочин, олган ҳосиллари мўл-қўл бўлади.

Инсон тақдирига яхши, ёруғ ва саховатли кунлар билан бирга, турфа кўргуликлар, балою офатлар ҳам битилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Масалан, юртимизга коронавирус ёпирилиб келганда, халқимиз метиндек жипслашди. Оғир кунларнинг дахшатларини бирма-бир енгиб ўтаётимиз. Худо хоҳласа, ўтамыз ҳам!

Ўзбек дунёнинг қадим ва улуг халқларидан бири экани аллақачон тан олинган. Унинг жонли тарихи ҳамиша қуёш нурларидай порлаб, зиё тарқатади, қуёш нурларидай боқий порлайди. Шу боис, бу юртни дунёда қуёш ўлкаси, деб эътироф этадилар, қуёшни Ўзбекистон, деб эъзозлайдилар. Қуёшдай чарогон истеъдод соҳиби Ойбек бундай нури сатрларни ёзган:

*Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...*

Ўзбекистон ва қуёш табиатнинг эгизак фарзандлари. Улар гўё ака-ука, опа-сингил, азалий қон-қариндош. Ҳар бир вилоятни бир қуёшга мензаса арзийди. Ҳар бири қуёшнинг суюкли жигаргўшала-ри сафида мардона туради:

*Бухоро бир қуёш бўлса, Хоразм ҳам бир қуёш,
Самарқанд яқпо кўшдир,
Тошкент ҳам таңҳо кўш.
Андижон, Фарғона,
Наманган қуёшнинг дилбандлари.
Навоий, Қашқадарё,
Сурхондарё қуёшнинг чин фарзандлари.
Жиззах, Сирдарё, Тошкент
қуёш беланчагида ҳузур қилиб тебранади.
Қорақалпоқ қуёш бағрида
бола мисол эркаландаи.*

Эй, ёронлар, биродарлар, гапнинг аслини айт-ай, бундай қуёшсевар, қуёшпарвар юрт ана қаерда бор? Қуёшнинг заррин нурларисиз яшамайдиган ўлкани яна қаердан топиш мумкин? Ҳаётимиз ва жамиятимизга янгидан кириб келган жасорат нафаси, янгидан бунёд бўлаётган улкан ўзгаришлар, барча соҳаларда дадил қўйилаётган янги қадмалар халқимизга фаҳр ва ғурур бағишлайди. Янги сўз, янги фикр, янги тафаккур пайдо бўлаётгани юракларни қуёш мисол нурафшон этиб юборди. Сунгги турт йил ичида ҳар томонлама юксалаётган, қаддини қуёш каби тиклаётган Ўзбекистонни таниб бўлмай қолаётир.

“Бутун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилгани, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир”, — деб алоҳида таъкидлади Президентимиз.

Жамият билан бирга одам янгиланаяпти, янги-ча фикрлаяпти, янги-янги марралар сари дадил интиляпти. “Янги Ўзбекистон” деган иборани янги замон берди. Шиддат билан бўлаётган улкан ўзгаришлар силсиласида туғилди бу жарангдор ва қўдратли сўз! Янгиланиш — покланиш, янгиланиш — обдон тозаланиш, янгиланиш — тафаккур булоқларини очиш, янгиланиш — тараққиётни юксак чўққиларга олиб чиқиш демакдир.

Янги Ўзбекистоннинг ширкоатини кўриб, қуёш ҳам жўшиб саҳийлик билан меҳр нурларини мўл-



қўл сочаётган бўлса ажаб эмас. Масалан, бошқа соҳалар каби Ўзбекистон қовун-тарвуз, гилос, узум етиштириш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаётгани ҳам қуёшнинг беминнат ва саховатли нурлари туфайли эмасми? Бу ширин-шакар ҳосил хирмонлари қуёшнинг бебаҳо туҳфалари эмасми?

Ёки Адилблар ҳиббонида адабиётимиз ва маънавиятимиз қуёшларига қўйилган ҳайкаллар қаршида қайта-қайта бош эгиб таъзим қиламиз. Бу миллат даҳоларига қўйилган буюк ёдгорлик мажмуаси ўзбек адабиёти қандай буюк чўққиларни забт этганининг ёрқин намунасикидир. Бу улуг зотларни адабиётимизнинг боқий қуёшлари, деб таърифласак, тўғри бўлади. Ҳали уларнинг сафларини тўлдирадиган қуёшларимиз анча...

*Қуёш билан уйғонганларга
самимий саломлар бўлсин,
Саломлар бўлсин-у,
ҳикматли каломлар бўлсин!
Қуёш билан уйғонганларга
бахтлар доим қулиб боқсин,
Юракдаги шижоати, ғайрати
ҳамиша қуёшдан порласин!*

Шарқ ҳикматларидан бирида бундай дейилган: “Биз қуёшнинг чиқишига қараб қувонамиз, қуёшнинг ботишига қараб ҳам қувонамиз, лекин қуёшнинг ҳаракати билан бирга, умримиз ҳам ўтаётгани тўғрисида уйламаймиз”.

Қуёш ва умр... Дарҳақиқат, шиддат ва сурон билан ўтаётган умримизнинг асл тарозиси қуёш эмасми? Ҳар куни бизни уйғотаётган қуёш бобо умримизнинг янги кўни бошланганидан, уни беҳуда ўтказмасликдан огоҳлантирмаётганими? Унинг ёл-ёруғ кунларидан тўқилаётган умр ҳикматлари бизни ҳалол ва тўғри, меҳр-саховат, оқибат, яхшилик билан яшашга даъват этмаяптими? Қисқа умримизни эзгу ва савобли ишлар билан безаш-га, инсон инсоннинг дўсти, биродари, қондоши, жондоши экани, одам одамга ёвузлик қилмаслиги, кўнгли, жонига озор етказмаслиги, ҳаққига хиёнат қилмаслиги ҳақида боқий сабоқлар бермаяптими?

Буюк устоз ва фидойи мураббий қуёшнинг ҳар куни, ҳар лаҳза ҳадаи таътидан бебаҳо сабоқларидан ҳар дақиқа ибрат олайлик. Бу сабоқлар умр йўлларимизнинг содиқ ва доимий ҳамроҳи. Ундан ҳаётини ҳулосалар чиқариб яшайлик. Қуёш аспида ҳаётимизнинг посбони, йўлбошчиси ва ҳисобдонидир. Эҳ-ҳе, олов пуркаб турган қуёш қаршисида ҳисоб беришининг, савол-жавоб қилишини ўзи бўладими? Қуёш билан фақат қўшчилар, иймоний бутун ва виждони поклар юзма-юз туришлари мумкин.

Асло қуёшни алдама, ёлғонлама, такаббурлик қилма. Ахир қуёш меҳрибон, мунофиқ анжонимиз-ку! Одам қандай қилиб ўз нашини олдайди?! Сен ўз онанг — қуёшнинг асло алдама, гуноҳ орттирма. Ёлғончининг борар манзили фақат пушаймонлар бекатидир.

Қуёш инсон зурриёди дунёга келганда унинг ота-онасидай севинишига ишонамиз. Умри поёнига етганда қуёш ҳам қайғуради, мотам тутайди. Унинг умрини сарҳисоб қилади. Шундай экан, инсон қуёш фарзанди эканини асло унутмайлик. Ҳар куни, ҳар лаҳза қуёшдан чекисиз миннатдор бўлайлик, унинг бебаҳо ва олтиндан қиммат нурларига шукроналар атайлик.

Қуёш бебаҳо сир-синоатларга, буюк куч-қўдратга, чексиз меҳр-муҳаббатга лиммо-лим тўла сайёралар султонидир. Қуёш ширларини очганлар дунёдаги энг бахтли инсонлардир. Чиндан-да қуёш ширлари, унинг қўдрати ва меҳри қатларида уммондан чексиз бахтлар, омадлар, ютуқлар жавоҳирлар каби яшириниб ётибди. Бу бахтли ва нурли манзил — қуёшдай ёруғ, қуёшдай пок нур, қуёшдай саҳий, қуёшдай меҳрли, замини саҳий ва барокатли, тупроғи олтин диёр Ўзбекистондир.

Бу менинг қуёшли Ватаним, бу сенинг қуёшли Ватанинг, бу бизнинг қуёшли Ватанимиз. Яна дуоғўй устоз Ойбекнинг қуёш нурларидай боқий сатрлари юракларга қўйилиб келаверади: “Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл...”

Тил — миллий ғуруримиз

Хуршидбек РЎЗИЕВ,
ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси

Ўзбек тили байрами бу йил юртимизда илк маротаба катта тантана билан нишонланди. Байрам муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган табриги эса юртини севган, ўзбек эканидан фахрланадиган, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаган ҳар бир юртдошимиз юрагида ўзгача қувонч, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

ОНА ТИЛИНИ ВАТАН КАБИ АСРАЙЛИК!



Президентимиз ўз табригида “...хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ҳарбий муассасалар фаолиятда тўлиқ давлат тилида иш юритиш бўйича бошлаган ишларимизни қучайтиришимиз керак”, дея таъкидлаб ўтди.

Шу маънода ҳам бугун ички ишлар органлари фаолиятида давлат тилига доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уни тарғиб қилиш, тизимдаги ташкилот ва муассасаларда ҳодимларга давлат тилини чуқур ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ ва тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ички ишлар вазирлигида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш масалалари бўйича ишчи гуруҳ шакллантирилди. Шунингдек, бундай ишчи гуруҳлар барча ҳудудий ички ишлар органларида ҳам ташкил этилиб, вазифа ва функциялари белгиланди.

Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида давлат тилида иш юритиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги буйруғи билан ички ишлар органларида давлат тилида иш юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланиб, тизимда давлат тилида иш юритиш бўйича ягона тартиб ишлаб чиқилди.

Ички ишлар органлари ҳодимларининг ўзбек адабий тили меъёрлари, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси, давлат тилида иш юритиш асослари, расмий ҳужжатлар ва уларни ёзиш бўйича назарий ҳамда амалий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди ва бу жараён режа асосида олиб борилмоқда.

Вазирликда норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда давлат тилига оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши қатъий назоратга олинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ички идоравий ҳуқуқий 115 та ҳужжат лойиҳаси, бошқа турдаги 48 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 39 таси юқори турувчи қонун ҳужжатларига, шу жумладан, давлат тилига оид нормалар талабларига мувофиқ бўлмагани сабабли қайтарилди.

Ички ишлар органлари маъмурий ҳудудидаги барча ташқи ёзувлар, хусусан, лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмалар бошқа ахборот матнлари кўриб чиқилиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ўрганилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, ички ишлар органларида бошқа тиллардан кириб келган сўз ва атамалар, сафда юриш қоидаларига оид буйруқ ҳамда қақриқларнинг муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш юзасидан асосланган илмий тактифлар ишлаб чиқилмоқда.

Ички ишлар тизимида мазкур йўналишдаги ишларни кенг тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, тизимда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 10 сентябридан 10 октябригача бўлган вақт оралиғида вазирлик таълим муассасаларининг курсант (тингловчи) ва ўқувчилари ўртасида “Ўзлимиз тимсоли — она тилим” мавзусида онлайн иншоолар танлови ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ички идоравий ҳуқуқий 115 та ҳужжат лойиҳаси, бошқа

турдаги 48 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларнинг

39 таси юқори турувчи қонун ҳужжатларига, шу жумладан, давлат тилига оид нормалар талабларига мувофиқ бўлмагани сабабли қайтарилди.

Танловда минг нафардан ортиқ иқтидорли ўқувчи ва курсант иштирок этиб, уларнинг ижодий ишлари вазирлик бирлашган тахририяти нашрлари ҳамда iv.uz ва postda.uz сайтлари орқали доимий равишда ёритиб борилади.

Асосан, Ички ишлар вазирлиги академиясининг курсант ва тингловчилари, ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамда ҳудудлардаги академик лицейлар ўқувчиларидан танловга юборилган иншоолар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўқитувчиларидан иборат ҳакамлар томонидан баҳоланиб, ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни арафасида тақдирланди. Иншоолар танловига юборилган энг сара ижодий ишларни алоҳида тўплам ҳолида чоп этишга келишиб олинди.

Бу каби ижодий танловлар ўзлигимиз тимсоли бўлган тилимизнинг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида алоҳида аҳамият касб этади, албатта.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг “Она Ватанга муҳаббат ва садоқат — она тилга муҳаббат ва садоқатдан бошланади”, деган фикрлари бугун юртимиз тинчлигини асраш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасидаги фаолиятга ўз ҳаётини бахшида этган ҳар бир ҳодим учун шиор бўлиши лозим.

Не-не замонлардан бизгача етиб келган, аждодларимизнинг қони, жасорати, сабру матонати ила барҳаёт яшаётган тилимизни асраш, уни она Ватан, муқаддас тупроқ каби ҳимоя қилиш бугунги авлоднинг муқаддас бурчидир.



АЖДОДЛАРИМИЗ ТАФАККУРИ ВА ДАҲОСИ МАҲСУЛИ

Қадимий ёзма манбалар халқимизнинг буюк маънавий бойлигидир



Миллий тикланишга юз тутган ўзбек илм-фани, хусусан, академик фан кейинги уч-тўрт йилда миллий манфаатларимизга мос тарзда жадал юксала бошлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ илм-фан вакиллари билан фикр алмашиш, академик фан тараққиётига алоҳида эътибор қаратиш ва фан ривожини йўлидаги мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш кун тартибига чиқди. Бу саъй-ҳаракатларнинг туб моҳиятига жорий йилда Ўқитувчилар ва мураббийлар кундаги тарихий нутқида қуйидаги сўзлар билан яна бир қарра барчанинг эътиборини қаратди: “Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор тўғрисида эмасми?”

Дарҳақиқат, ватанимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси маҳсули — қадимий ёзма манбалар халқимизнинг буюк маънавий бойлигидир. Уларни асраб-авайлаш, келажак авлодга бешикка етказиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор Баҳром АБДУҲАЛИМОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда юз мингдан зиёд қадимий қўлёзма асар мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор. Олим ва мутафаккирларимизнинг тарихий меросини чуқур ўрганиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, юртимиз қадимдан дунё илм-фани ривожланган минтақалардан бири сифатида маълум ва машҳур бўлган. Барча даврларда болаюримиз илмнинг миллат ва давлат келажигидаги ўрнини жуда яхши англаган. Бунинг ёрқин далили сифатида муҳаддислар сўлтони — Имом Бухорий бобомизнинг ўн икки аср олдин “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмаган” деган фикрларини келтириш мумкин. Қадимдан қайсики давлатда ҳукмдор олим уламоларни қўллаб-қувватлаган бўлса, уша юрт, албатта, равнақ топган. Хоразмдаги Маъмун академияси, Бағдоддаги “Байт ул-ҳикма” ёки теурийлар даври илм-фани ўз даврида ривожланишининг юксак чўққисига эришган ва ҳали-ҳануз жомат илм-фани ривожига асос этиб белгиланди.

Маънавий илдишимиз бўлмиш ёзма мероснинг тадқиқи ва талқинига ҳолисона ёндашув, бой тарихимизнинг бизга маълум ва номаълум саҳифаларини ёритишга, табиийки, мустақиллик йилларида имкон яратилди. Кейинги йилларда манбалар тадқиқи ва уларни сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ЎзФА Шарқшунослик институти қадимий қўлёзмаларни ўрганиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий муассаса этиб белгиланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган юз мингдан ортиқ нодир қўлёзмага дунё ахли ҳавас қилишини айтиди. Бу, албатта, бизга чексиз ғурур бағишлайди. Шунинг билан бирга, зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, ўтмишда яратилган бу нодир қўлёзма китобларни ўзбек ва хорижий тилларда бугунги ўқувчининг талабига мос равишда нашрга тайёрлаш ишларини жадаллаштиришимиз даркор. Уларнинг чоп этилиши халқимизга ўтмишнинг бебаҳо мероси ва маданияти дурдоналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Институти фондидаги қўлёзмаларни мавзу бўйича каталоглаштириш ишларининг давоми сифатида фалсафа ҳамда филологияга оид асарлар қўлёзмалари каталогларининг дастлабки жилдлари тайёрланди. Ўрта асрларда яшаган термизлик олимлар томонидан ислом илмлари, тасаввуф, адабиёт ва тиббиёт соҳалари бўйича таълиф этилган 300 та асарнинг 1419 та илмий тавсифидан иборат “Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари” каталоги чоп этилди.

Имом Термизий марказининг ташкил этилиши ва республикада термизлик олимларнинг илмий меросини ўрганиш бўйича олиб борилаётган

ишланишларнинг фаоллашгани муносабати билан Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Хожа Самандар Термизий, Адиб Собир Термизий каби олимларнинг диний, дидактик ва адабий мазмундаги асарлари илк бор ўзбек тилига илмий изоҳли таржима қилиниб, то шу кунгача 15 та китоб шаклида эълон қилинди.

Ёзма мерос ёдгорликларини тарғиб қилиш мақсадида институти фондидаги Алишер Навоий асарларининг XIV–XVI асрлардаги миниатюралари ва бошқа қўлёзма китоб безакларини ўз ичига олган “Китобат санъати дурдоналари” номли китоб-альбом нашр этилди. Нашр тадқиқот, миниатюраларнинг ўзбек, инглиз, рус тилларидаги тавсифлари билан таъминланган.

Институти фондида сақланаётган қўлёзма меросни дунё бўйлаб тарғиб қилиш мақсадида “Ўзбекистон маданий мероси” рукнида “Аниқ ва табиий фанлар”, “Ислом, фалсафа ва тасаввуф” ҳамда “Тарихий асарлар ва ҳужжатлар” номли каталог-альбомлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп қилинди.

Институти ҳодимларининг мустақиллик йилларида олиб борган тадқиқотлари натижалари асосида “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти нашрлари (1991–2018 йиллар)” библиографияси эълон қилинди. Унга 513 та китоб ва чет элда нашр этилган 355 та илмий мақола киритилган.

Бугунги кунда олим ва мутафаккирларимизнинг тарихий меросини чуқур ўрганиш борасида Хоразм Маъмун академияси, Мирзо Улугбек астрономия мактаби вакилларининг илмий асарларини нашр қилиш ишлари устида ҳам қизгин тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг кўп жилдлик “Танланган асарлар” силсиласини тўлдирish ишларининг давоми сифатида мазкур силсиланинг 4-жилдини ташкил қилувчи, алломининг доришунослика оид “Китоб ус-сайдана фит тиб” (Табобатда доришунослик) китобининг ўзбек тилига илмий изоҳли таржимаси ҳамда шу силсиланинг учта астрономик рисола ўрин олган янги — 8-жилди нашр этилиши кўзда тутилган. Абу Али ибн Синога

нисбат берилган араб тилидаги “Қонунча” асарининг ўзбек тилига илмий изоҳли таржимаси, Жамшид Кошийнинг астрономияга оид “Зижи хоқоний” асарининг танқидий матни ва тадқиқи тайёрланади.

Исломшунослик йўналишидаги тадқиқотлар ислом илмлари бўйича Бурхониддин Маргинонининг ханафий фикрига оид араб тилидаги “Ат-тажнис вал мазид” (“Янги қўшилган масалалар”) асарининг ўзбек тилига илмий изоҳли таржимаси, Абу Ҳафс Насафийнинг араб тилидаги “Машориф аш-шароиф” (Фикҳий масалалар) асарининг асл матни нашр қилинади. Институти фондидаги ноб ҳусналарнинг нашри борасида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг Алишер Навоий учун аталган “Мавоҳиб Алӣийа” номли асари автографи факсимиле шаклида чоп этилиши режалаштирилган.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Ўмон султонлиги ўртасидаги дўстона муносабатлар натижасида Шарқшунослик институти учун қўлёзмаларни сақлаш ва тадқиқ этишга мўлжалланган, жаҳон талабларига жавоб берадиган махсус бино қуриб берилганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бино қўлёзмаларни сақлаш, таъмирлаш, рақамлаштириш учун дунё стандартларидаги жиҳозлар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланган. Албатта, бу институти фаолиятини тақомиллаштириш ва у ердаги ноб ҳазинани замон талаблари асосида рақамлаштиришга хизмат қилмоқда.

— Халқаро жамоатчиликни аллоамларимизнинг дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси билан таништириш, илмий марказлар ҳамда дунёнинг етакчи олимларини мазкур йўналишдаги тадқиқот ишларига жалб этиш, бекиёс маънавий меросимизни кўз қорачигидек асраш ҳамда халқаро миқёсда оммалаштиришга қаратилган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Буюк аллома ва шоирларимиз яратган асарлар нафақат Ўзбекистон, балки дунё ҳамжамияти маданий мероси хазинасидан муносиб ўрин эгал-



Институти фондида сақланаётган қўлёзма меросни дунё бўйлаб тарғиб қилиш мақсадида “Ўзбекистон маданий мероси” рукнида “Аниқ ва табиий фанлар”, “Ислом, фалсафа ва тасаввуф” ҳамда “Тарихий асарлар ва ҳужжатлар” номли каталог-альбомлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп қилинди.

лаган. Манбаларнинг асосий қисми ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади ҳамда у ҳақи равишда ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Фондда IX–XX асрнинг биринчи ярмида яратилган турли соҳа ва мазмундаги асарлар, ҳужжатлар жамланган.

Шу сабабли Шарқшунослик институти Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихи, фани ва ўтмиш маданияти билан шуғулланувчи барча хорижлик олимларнинг энг муҳим илмий дароҳларидан бирига айланган. Институти қўлёзмаларни чет эллик олимлар олиб бораётган илмий илзанишлар учун асосий тарихий манба вазифасини ўтайди. Уларнинг акдип фикрига кўра, Марказий Осиёнинг ҳаққоний тарихини институти жағмармасидаги бирламчи асарларсиз тасавуур этиш мумкин эмас.

“Uzbekistan Today” ташкилоти билан ҳамкорликда “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” китоб-альбомининг 13-жилди яратилди. Унда ватанимиздаги меъморий ёдгорликлар тарихи ҳамда ундаги турли мазмун ва хат услубида битилган матнлар талқини ўзбек, рус, инглиз тилларида тақдим этилди. Бу туркумдаги нашрлар нафақат илмий-оммабоп мақсадда фойдаланиш, балки туризмини ривожлантиришда ҳам кўп келмоқда.

Шарқшунослик институти тегишли ташкилот билан ҳамкорликда “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўппамларида” лойиҳаси доирасида “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти тўппами” туркумида “Тарихий асарлар ва ҳужжатлар”, “Аниқ ва табиий фанлар”, “Бадий адабиёт”, “Ислом, фалсафа ва тасаввуф” ва “Миниатюра ва хаттотлик намуналари” номли китоб-альбомларни нашрга топширди. 2019 йили август ойда “Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чоррахаси: империялар, динлар, маданиятлар” маданий мерос ҳафталиги доирасида мазкур беш жилдлик китоб-альбомларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида институти 2017 йили декабрь ойда К.Кекелидзе номидаги Грузия қўлёзмалар миллий маркази, 2019 йили июнь ойда Япониянинг Аичи санъат университети, июлида Ўмон Султонлигининг Архивлар бошқармаси, сентябрь ойда Қозоғистон Республикаси Нодир қўлёзмалар ва китоблар миллий маркази билан ўзаро илмий ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади.

— Қўлёзмалар вақт ўтгани сари ўз хусусиятини йўқотиб бораверади. Шу сабабли уларни сақлаш чораларини кўриш, факсимиле нашрларини тайёрлаш, махсус техник жиҳозлар орқали қадимги китобларнинг электрон шакллари яратиш, рақамлаштириш зарур. Бунинг учун эса фондида қўлёзма асарлар мавжуд муассасалар моддий-техник базасини бойитиш керак. Бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Аждодлар қолдирган бебаҳо қўлёзмаларни таъмирлаш соҳасида етарлича малака, тажриба ва кўникамага эга реставраторлар тарафидан зарарланган қўлёзмалар, ҳужжатлар таъмирланиб, уларга иккинчи ҳаёт бахш этилмоқда.

Республикамиздаги ўрта аср манбаларини таъмирлаш жараёнини фаоллаштириш ва сифатини ошириш мақсадида институти базасида қўлёзмаларни сақлаш ва реставрацияси бўйича хорижий мутахассисларнинг тренинг курслари ташкил этилмоқда. Манбалар реставрацияси соҳасида илмий тадқиқотлар ҳам ўтказилиб, малакали мутахассисларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида Ўзбекистонда биринчи марта “Тарихий ҳужжатларнинг консервацияси ва реставрацияси” номли ўқув қўлланма нашр этилди.

Чет эллик тадқиқотчиларга қулайликлар яратиш ҳамда хорижий ташкилотлардаги биз учун аҳамиятли қўлёзмалар бўйича ўзаро алмашинуви йўлга қўйиш, қўлёзма ва нодир манбаларни рақамлаштириш мақсадида энг нодир манбаларнинг рақамли нусхалари яратилмоқда. Келгусида босқимча-босқич барча манбаларнинг электрон нусхалари яратилади. Бу эса нодир манбаларнинг умрини узайтиришга хизмат қилиш билан бирга, асарларни бошқа хорижий марказларга таништириш ва улар билан ўзаро алмашувини йўлга қўйиш имкониятини яратди.

Германиянинг Герде Хенкел фонди билан ҳамкорликда Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзмаларнинг инглиз тилидаги электрон каталоги яратилди. Бу каталогдан бугунги кунда дунёнинг хоҳлаган жойидан туриб фойдаланиш мумкин.

— Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан етук даҳоларнинг бетакор меросини чуқур ўрганиш, уларни доимий ҳаракатдаги

қўлланмага айлантириш борасида қандай ишларни амалга ошириш зарур? Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистонда янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун қандай имкониятлар мавжуд, деб ўйлайсиз?

— Мамлакатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида “Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгилладик”, деб айтди.

Шубҳасиз, бу Ўйғониш — Учинчи Ренессансда юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан мутафаккирларнинг бетакор меросини чуқур ўрганиш, уни доимий ҳаракатдаги қўлланмага айлантиришининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Дарҳақиқат, IX–XI асрларда Мовароуннахрда нафақат муслмон маънавий маданияти ривожланди, балки аниқ ва табиий фанлар, айниқса, математика, астрономия, тиббиёт, география, тилшунослик, мумтоз мусиқа, тасвирий санъат, туркий адабиётнинг асослари яратилди. Шунинг учун бу давр ҳақли равишда Биринчи Ўйғониш даври деб эътироф этилади.

Ана шу даврнинг махсули сифатида X асрнинг охири — XI асрнинг бошида Хоразм Маъмун академияси пайдо бўлди.

Амир Темури давлатининг юзага чиқиши нафақат Мовароуннахр, балки бутун Марказий Осиё халқлари маданияти ва адабиёти, илму фаннинг юксалиши учун қулай шaroит яратди. Бу давлатнинг равнақи тўғрисида она юртимизда иккинчи маданий юксалиш содир бўлди.

Улкамиздаги “Олтин давр” деб юритиладиган иккинчи маданий юксалиш ҳақида гапирганда, кўз олдимизда номи йлм мазърифат осмониде ёрқин олдуз каби порлаган Мирзо Улуғбек сиймоси ҳамда у бунёд этган Самарқанд расадхонаси ва академияси, уларда фаолият юритган беназир олимлар гавдаланади.

Амир Темури ва теурийлар даври меъморчилиги намуналари, хусусан, Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Гури Амир ва Регистон мажмуалари жаҳон меъморчилиги дурдоналари қаторида эътироф этилган.

Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган улкан илмий-маънавий мерос кейинчалик жадидлар деб аталиб, номлари дунёга танилган кўплаб илм-фан, адабиёт ва маданият арбобларининг етишиб чиқишга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилди.

Бунинг маъноси шуки, тарихий шaroитлар қандай бўлганидан қатъи назар, халқимизга хос улуг қадрийлардан бири — маънавий ворисийлик аъъанаси ҳеч қачон узилиб қолмаган. Президентимизнинг тантанали маросимида сўзлаган нутқи маънавий-маданий ҳаётимиздаги ана шундай бурилиш нуқталаридан бири сифатида қаралиши ва мамлакатимиз маданий-маънавий ҳамда илмий-техник тараққиётининг навбатдаги босқичи дастури сифатида қабул қилиниши лозим.

Бугун халқимизнинг кенг муҳокамасига тақдим этилган Президентимизнинг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада тақомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони лойиҳасида буюк мутафаккирларимизнинг илмий ва маданий меросини нашр этиш, кенг омма ва ёш авлодга содда, тушунарли шаклларда етказиш бўйича махсус чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши халқимизни ўтмишнинг бебаҳо мероси ва маданияти дурдоналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.**